
ТУМАН ҲОКИМИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ПАХТА МАЙДОНЛАРИДА

Бағдод тумани ҳокими Ғанижон Солиев кунлик иш режасига асосан ҳудудларда бўлиб, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Хусусан, 1-сектор ҳудудидаги “Хазиний” ММТП таркибидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ғўза майдонларининг ўзида учрашилди. Ғўза парвариши, агротехника жараёнлари билан танишиб ғўзани бегона ўтлардан тозалаш, биомахсулотлардан фойдаланиб ғўза зараркунандаларига қарши курашиш каби амалга оширилиши лозим бўлган ишларни жадаллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

2024-08-01 19:20:52